O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №
202099

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 10-yanvar • Shanba • 4 (27.965) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

**«Бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат — бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз».**

## 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни



## ФАРЗАНДЛИК БУРЧИ

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти ўтган ўқув мавсуми якунларига кўра, Мудофаа вазирлиги тизимида ўтказилган «Энг яхши олий ҳарбий таълим муассасаси» кўрик-танловида фахрли биринчи ўринни эгаллади. Бу эса мазкур масканда соғлом ахлоқий-руҳий ва маънавий муҳит шаклланганидан далолат беради.

Мухбиримиз байрам арафасида бу ерда бўлиб, капитан Акмал Салимов шогирдлари, 2-босқич курсантлари билан учрашиб, уларнинг фикрлари, орзу-ўйлари билан қизикди.



*«Ҳарбий маҳорат сирларини ўрганиш ва чуқур ўзлаштириш ҳар қайси ҳарбий хизматчи — оддий аскардан бошлаб юқори қўмондон учун ҳам — доимий, асосий вазифа ва мақсад бўлиб қолиши шарт».*

2-бет

## ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

Пойтахтимизда 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Ўзбек Миллий академик драма театри ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда ҳарбийлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, санъаткорлар иштирок этди.

Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари М.Ҳожиматов, Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири ўринбосари Т.Ҳамроқулов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Амир Темур жамғармаси раиси М.Али, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ артисти З.Муҳаммаджонов, Ўзбекистон халқ артисти Ё.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлигини таъминлаш, юртимизда замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган Қуролли Кучларни барпо этиш, барқарор ва изчил демократик тараққиётнинг ишончли кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини ошириш, армияда соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, унинг профессионал тайёргарлик даражасини юксалтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса йигитларимиз учун армия сафида хизмат қилиш нафақат бурч, балки олий фахр ва шарафга айланишида муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини takомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони Қуролли Кучларда муддатли ҳарбий хизматни ўташ шароитларини, қўшинларнинг жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги ҳамда сафарбарлик жиҳатдан тайёргарлигини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ✓ ЎзХДП ҳаёти

## ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ —

### УСТУВОР ВАЗИФАМИЗ

Хоразм вилоят партия кенгашида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари олдида турган асосий вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашлари раислари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, фаоллар иштирок этди.

Вилоят партия кенгаши раиси Раимберган Сабуров ўтган йил давомида партия кенгашлари, депутатлик бирлашмалари томонидан олиб борилган ишлар якуни ҳақида тўхталди. Унинг эътироф этишича, 2008 йили депутатлик гуруҳлари томонидан «Ёшлар йили» Давлат дастурининг бажарилиши юзасидан жойларда мониторинг ишлари олиб борилган, аниқланган камчилик ва нуқсонлар юзасидан мутасадди ташкилот ва муассасаларга мурожаат этилиб, уларни бартараф этишга эришилган.

Шунингдек, у 2009 йили ижтимоий йўналтирилган дастурларни бажаришда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари изчил иштирок этиши зарурлигини таъкидлади. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат ва маҳаллий дастурларни ишлаб чиқиш жараёнида партиямиз электорати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, таклифлар киритиш, жорий йил мазмун-моҳиятига бағишланган тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, бу ишларга мутахассислар ва жамоатчилик вакилларини кенг жалб қилиш борасида қилинадиган ишларга эътибор қаратди.

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

## ! Ўз мухбирларимиз хабар қиладилар

### ЗАМОНГА МОС МАКТАБЛАР

2008 йил давомида Жиззах вилоятида бешта янги мактаб қуриб битказилди, 56 мактаб реконструкциядан, 59 мактаб мукаммал таъмирдан чиқарилди. Мазкур таълим муассасалари мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, спорт анжомлари билан таъминланди.

Ғаллаорол тумани Ғаллакор қишлоғидаги 66-мактаб жамоаси Янги йилни янги мактабда кутиб олди. Қўш қаватли, 216 ўринли кўркам мактаб шинам фан кабинетлари, ўқув лабораториялари, спорт зали ва майдони, иситиш тармоғига эга.

### ЙЎЛКИРА ҲАҚИ АРЗОНЛАШДИ



**НАМАНГАН.** Янгиқўрғон туман марказидан вилоят марказигача 25 километрлик масофада йўлкира нархи аввалига 700 сўм қилиб белгиланганди. Бироқ, мутасаддилар ички имкониятлардан келиб чиқиб, йўлкирани 200 сўмга арзонлаштиришди. Уларнинг бу қарорга келишларига биринчи сабаб 2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб номланиши бўлди. Зеро, тараққиёт ҳам, фаровонлик ҳам инсоф ва адолатдан, ўзаро оқибатдан бошланади-да.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ**

### ЯНГИ ЙИЛНИ ЯНГИ УЙЛАРДА



Ўтган йил Фарғона вилоятида ёш оилалар 4 та янги қурилган уйлар билан таъминланиши режалаштирилган эди. Амалда у 8 тага етказиб ижро этилди. Жумладан, Қўқон шаҳрида қуриб битказилган 2 та уй акциядорлик тижорат «Ғаллабанк»нинг имтиёзли кредити асосида 32 та ёш оилага берилди. Фарғона шаҳрининг энг баҳаво мавзеларидан бирида замонавий лойиҳада тикланган 48 та уй-жойларга ҳам ёш оилалар кўчиб кирдилар. Шунингдек, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи раҳбарияти Фарғона шаҳри ва Олтиариқ туманида 48 хонадонли уй калитларини ёш ишчи, мутахассисларга топширди.

Янги йил арафасида яна 24 та марғилонлик ёш оила уй тўйлари ўтказишди. Вилоятда «Ёш оилалар уйи» қурилиши бу йил ҳам давом этади.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ**

### ҚЎШИМЧА ИШ ЎРИНЛАРИ

— Бандлик, ишга кўникма, рўзғор бутун жойда бирон-бир салбий ҳодиса рўй бермайди, — дейди қизилтепалик ишбилармон Нуриддин Ҳабибов. — Биз бунёд этган «XXI аср ресторани», келин-куёвлар тўйхонаси ва «Созлаб ол» люкс-сервис марказида ҳозир мингга яқин ёшларимиз янги иш ўринларига эга бўлишди...

Нуриддин ака ташаббуси билан Қизилтепа деҳқон бозори ҳам рисоладагидек савдо мажмуасига айлантирилди.

Янги йил арафасида бу ерда «Созлаб ол» люкс-сервис марказида бўлгани каби бозор маъмурий идораси, кийим-кечак ҳамда рўзғор буюмлари шохобчалари ишга туширилди. Натижада яна кўплаб ёшлар янги иш жойларига эга бўлишди.

**Музаффар ШАРОПОВ**

### «БУХОРОНОН» МАҲСУЛОТИ

Масъулияти чекланган ушбу жамиятда янги маҳсулот сони яна ортди. Бу ерда ун қадоқланадиган полипропилен қоплар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу пайтгача бундай қоплар Хоразм ва Тошкент вилоятларидан харид қилинарди.



Вилоятда полипропилен қопларга йиллик эҳтиёж 4,5 миллион донага етади, харажат ҳам шунга яраша. Энди эса хитойча замонавий технология асосида ишлаётган корхона цехида йилига 5 миллион дона шундай сифатли ва арзон қоплар ишлаб чиқарилади. Бу билан 40 нафар ёш муқим иш жойига эга бўлади.

**Даврон БАҲРОНОВ**

### • СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИДА МУҲИМ ҚАДАМ

**2008 йил 10 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг XVI ялпи мажлисида «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган Иккинчи факультатив Протоколга (Нью-Йорк, 1989 йил 15 декабрь) қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни маъқулланди.**

2-бет

### • ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ



**СЕВИНЧ, УМИД ВА РЕЖАЛАР**

3-бет

### • ВАТАН — ЭЗГУЛИКНИНГ ОЛТИН БЕШИГИ



***Иқтидорли олимнинг «Миллий ғоя моҳияти», «Маънавият — миллат нишони», «Миллий ғоя ва маънавият», «Маънавият ва тараққиёт модели», «Тафаккур эркинлиги» каби китоблари чоп этилган.***

4-бет

# ФАРЗАНДЛИК БУРЧИ

**Анварбек МИРЗААҲМЕДОВ, Тошкент шаҳридан:**



— Отам ҳам ҳарбий. Мактабда ўқиб юрган пайтларимда уларга эргашиб, ишхонасига бирга борардим. Ҳарбийларнинг юриш-туриши, хатти-ҳаракати, интизомини кўриб, ҳавасим келарди. Отам кечқурун уйга келганларида, фуражкаларини олиб, кийдириб қўярдилар. Шунинг учун ҳар куни биринчи бўлиб уларга пешвоз чиқардим. Энди таътил кунлари ота-онам олдига борсам, менинг бош кийимимни укам Улуғбек кийиб олади. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга киришдан аввал Наманганда ҳарбий хизматни ўтаганман. Мен ҳам отамга ўхшаган офицер бўлиб, Ватанимга хизмат қилмоқчиман.

**Болбек ОЧИЛОВ, Бахмал туманидан:**



— Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримов таъбири билан айтганда, Ватан бу — аввало ота-она, туғилган ер, севикли ёр, дўст-биродар деганидир. Ана шу қутлуғ тушунчалар бирлашиб Ватан туйғусини ҳосил қилади. Демоқчиманки, аскар Ватанини ҳимоя қилар экан, биринчи навбатда ўз ота-онаси, киндик қони тўкилган тупроғи, дилбар ёри, қадрдонларини кўз олдига келтиради. Шунинг учун ҳам Ватанни асл фарзандларгина ҳимоя қила олади... Мана шу сўзларни ҳар гал ўқиганимда, қалбимда фахр-ифтихор туйғуси уйғонади. Ҳарбийлик касбини танлаганимдан ҳеч қачон афсусланмайман. Куч-қудратим етгунча юртимга, халқимга, Президентимга хизмат қиламан. Ҳозир ҳарбийлик соҳасининг сир-асрорларини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан мукаммал эгаллашга ҳаракат қилаяпман. Бунинг учун эса бизда барча шарт-шароитлар яратилган.

**Сардор БАҲРОНОВ, Ғаллаорол туманидан:**



— Ўтган йили 14 январда уйга телефон қилиб, отамни, онамни, укам Лочинбекни Ватан ҳимоячилари куни билан табриклагандим. Бу йил эса уйга мактуб ёздим. Биласизми, ҳарбийлар ҳақида ҳаммадан кўра, оналар кўпроқ ўйлайди, қайғуради, баъзан хавотирланади. Мен мана шу байрам арафасида, энг аввало, онажонимни, қолаверса, барча ҳарбийларнинг оналарини алоҳида қутламоқчиман. Ҳозир бизда чоршанба куни бўладиган тадбирларга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Шу байрам муносабати билан ўқув масканимизда курсантлар учун концерт дастури ҳамда спорт мусобақалари ташкил этилади. Уларда мен ҳам фаол иштирок этаман. Айни пайтда курсдошларим билан 7 та фандан имтиҳон топшираяпмиз. Чунки яқин кунларда таътилга чиқамиз.

**Мирзаолим МАНСУРОВ, Чуст туманидан:**

— Каратэ бўйича қора белбоғ 1-дан соҳибиман. Чуст туманидаги «Сўғдиёна» клубида ўқувчиларга каратэ ўргатганман. 2002 йилда Тошкентда 15 та давлат вакиллари иштирок этган халқаро турнирда қатнашиб, ғолибликни



қўлга киритдим. Бу орада ҳарбий хизматни ўтадим. Шундан кейин ўқишга келдим. Ҳозир ҳам каратэ билан мунтазам шуғулланаман. Мудофаа вазирлиги тизимида ўтказилаётган турнирларда қатнашиб, ўқув юртимиз шарафини ҳимоя қилиб келаяпман. Чунки ҳарбийлар, энг аввало, жисмоний жиҳатдан чиниққан бўлиши керак.

**Юсуф ҲАҚНАЗАРОВ, Шаҳрисабз туманидан:**



— Ёшлигимда ҳарбийлар ҳақидаги бадиий фильмларни жуда кўп кўрардим. Хизматга борган қариндош-уруғларимдан ҳарбийларнинг ҳаёт тарзи, нималар билан машғул бўлиши тўғрисида сўраб-суриштирардим. Шундан сўнг ушбу соҳага қизиқиб, ҳавас қилиб, ота-онам оқ фотиҳаси билан бу ерга ўқишга келдим. Қасамёд қабул қилдим, ҳарбийлик кийимини кийдим. Энди бутун умримни мана шу муқаддас касбга бағишлайман. Бу эса мендан доимо зийрак бўлишни, жанговар тайёргарликни ошириб боришни талаб этади. Токи, сарҳадларимиздан бирон ёв ўта олмасин, ҳеч ким халқимиз тинчлигини бузолмасин.

**Шуҳрат ЖЎРАБОЕВ, Янгиқўрғон туманидан:**



— 1989 йилда туғилганман. Мен яшаётган ҳудудда ҳарбий қисм жойлашган эди. У ерда хизмат қилаётганларни кўриб, менда қизиқиш, ҳавас пайдо бўлган. 10 ёшимдан бери спортнинг каратэ тури билан шуғулланаман. Мустақил давлатимизнинг қудратли армияси сафларида бўлишни, она-Ватанимга хизмат қилишни, унинг манфаатлари ва сарҳадларини, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоя этишни ўз фарзандлик бурчим деб биламан.

**Аброр РАҲИМОВ, Олтинкўл туманидан:**



— Фикримча, офицер ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук бўлиши керак. Бўш вақтларимда бадиий китоблар ўқийман. Хонамда шахсий кутубхонам бор. Ундан курсдошларим ҳам фойдаланиб туришади. Президентимизнинг ўтган йили чоп этилган «Юксак маънавият — енгилмас куч» номли асари менда жуда катта таассурот қолдирди. Кўпдан-кўп саволларга мана шу китобдан жавоб топдим. Уни мутолаа қилиш давомида шуни англадимки, маънавияти юксак инсонгина ўз Ватанини ҳимоя қила олади. Ўз халқига қалқон бўлади. Шунинг учун ҳам ҳарбий қисмларимизда маънавий-маърифий масалаларга янада чуқурроқ эътибор қаратиш лозим, деб ўйлайман.

**Маъмуржон МАҲМУД ёзиб олди.**

**Суратлар муаллифи Шавкат ҚАҲҲОРОВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қонун ва шарҳ

# СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИДА МУҲИМ ҚАДАМ

2008 йил 10 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг XVI ялпи мажлисида «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган Иккинчи факультатив Протоколга (Нью-Йорк, 1989 йил 15 декабрь) қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни маъқулланди.

Мамлакатимизда ислоҳотларнинг дастлабки босқичидаёқ инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш тамойилига таяниб, миллий ҳуқуқий тизим барпо этилди ва инсон манфаатлари ислоҳотлар стратегиясининг асоси сифатида белгиланди. Республикамизда демократия умуминсоний тамойилларга асосланиши, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши Конституция даражасида мустаҳкамланди. Хусусан, мамлакатимиз Конституциясининг 13-моддасига кўра, «инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади». Ўз навбатида, Конституциянинг 24-, 25- ва 26 моддаларининг мазмун-моҳияти яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги, ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгалигини, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслигини конституциявий норма сифатида мустаҳкамлашга қаратилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли қисқа вақт ичида фуқаролик жамиятининг асосларини қуришга, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлайдиган механизмларни яратишга муваффақ бўлинди. Одил судлов соҳасида амалга оширилган ушбу ўзгаришлар ўлим жазосини бекор қилиш учун ҳам зарур шарт-шароитларни яратди.

Мустақиликка эришилгач, 1994 йил сентябрда қабул қилинган ва 1995 йил апрелда кучга кирган Жиноят кодексида асосан бир қатор жиноятлар учун ўлим жазоси бекор қилинди. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги Қонуни билан амалдаги Жиноят кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритилиб, яна 5 та жиноят бўйича моддалар санкциясидан ўлим жазоси чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 29-30 августда бўлиб ўтган иккинчи чақириқ VI сессиясида Президентимиз И.Каримов маърузасида мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг бош мақсади Жиноят, Жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари ва жиноий жазо тизимини изчиллик билан босқичма-босқич либераллаштиришдан иборат эканлиги таъкидланди. Мазкур сессияда қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан амалдаги Жиноят кодексида яна 4 та жиноят бўйича моддалар санкциясидан ўлим жазоси чиқарилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрдаги Қонуни билан Жиноят кодексидаги яна иккита жиноят бўйича модда санкциясидан ўлим жазоси чиқарилди. 2005 йил 1 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги тарихий аҳамиятга эга бўлган Фармони эълон қилинди. Мазкур ҳужжат мамлакатимизда яшаш ҳуқуқи олий қадрият даражасига кўтарилганлигининг амалий ифодаси бўлди.

Ниҳоят, ўлим жазосини бутунлай бекор қилишни қонунчилик йўли билан таъминлаш, бу борада тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашни жадаллаштириш мақсадида 2006 йил 29 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойиши эълон қилинди. «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни Сенат томонидан 2007 йил 29 июнда маъқулланиб, 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга кирди.

Мазкур ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида, 2008 йилнинг 10 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг XVI ялпи мажлисида «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган Иккинчи факультатив Протоколга (Нью-Йорк, 1989 йил 15 декабрь) қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни маъқулланди.

Ушбу факультатив Протокол «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг (1948 йил 10 декабрь) 3-моддасида кўрсатилган *«ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ҳамда шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга»* ҳамда «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт»нинг (1966 йил 19 декабрь) 6-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган *«яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан ҳимояланади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшашдан маҳрум қила олмайди»* деб белгиланган тамойилларга асосланган ҳолда қабул қилинган бўлиб, асосий мақсад ва вазифаси ўлим жазосини бекор қилишнинг халқаро ҳуқуқий механизмини шакллантиришдир.

Факультатив Протоколнинг 1-моддасида кўрсатилишича, «факультатив Протоколга аъзо давлат юрисдикциясига кирувчи ҳеч бир шахс ўлим жазосига ҳукм қилинмаслиги лозим. Ҳар бир аъзо давлат ўз юрисдикциясига асосланган ҳолда ўлим жазосини бекор қилиш борасида барча муҳим чораларни кўриши лозим».

Халқаро ташкилотларнинг маълумотларига кўра, шу кунга қадар дунё мамлакатларининг 92 таси ўлим жазосини қўллашдан бутунлай воз кечган. Яна 10 та давлатда эса ўлим жазоси фақатгина айрим ўта оғир жиноятларга нисбатан қўлланилади ва аксарият жиноятларга ўлим жазоси қўлланилишидан воз кечилган. Шу билан бирга, алоҳида таъкидлаш керакки, айрим истисноларни ҳисобга олган ҳолда дунё мамлакатларининг 115 тасида ҳалигача ўлим жазоси қўлланиб келинмоқда. Хусусан, дунёнинг энг йирик давлатлари ҳисобланган АҚШ, Россия, Ҳиндистон ҳамда Хитой давлатларида ўлим жазоси ҳозирги кунга қадар қўлланиб келинади. Бундан ташқари, Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Индонезия ва Сингапур каби либерал демократия йўлини танлаган ривожланган давлатларда ҳам бу соҳадаги ҳуқуқий тизим либераллашмаган ва ўлим жазоси ҳамон қўлланиб келинади. Бразилия ва Исроил каби ривожланган давлатларда ҳам ўлим жазосидан бутунлай воз кечилмаган.

Мисол тариқасида ўлим жазоси энг кўп қўлланиладиган мамлакатлар сирасига АҚШ ва Хитой давлатларини киритиш мумкин. Халқаро ташкилотларнинг маълумотларига кўра, 2007 йилнинг ўзида биргина АҚШда 1252 киши ўлим жазосига ҳукм қилинган.

Ўлим жазоси қўлланилиши 92 та давлатда бутунлай бекор қилинган бўлса-да, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йилнинг 15 декабрида қабул қилинган «Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган Иккинчи факультатив Протокол»ни дунёнинг 60 га яқин давлатигина имзолаган. Мамлакатимизда ушбу халқаро ҳужжатнинг ратификация қилиниши инсон ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида ҳурмат қилинишининг ёрқин далили, десак муболаға бўлмайди.

«Ўзбекистон Республикасининг Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган Иккинчи факультатив Протоколга қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши юртимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларининг навбатдаги босқичи ҳамда мантиқий давоми бўлди. Ушбу ижобий ўзгаришлар, мамлакатимиздаги демократик жараёнлар эволюцион йўл билан босқичма-босқич юксалиб бораётгани халқаро ҳамжамият томонидан ҳам ҳақли равишда эътироф этилмоқда.

**Адҳам ХУДАЙҚУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими**

# ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ —

## УСТУВОР ВАЗИФАМИЗ

— «Ёшлар йили» Давлат дастурини бажаришда фаолларимиз, депутатларимиз кўп иштирок этишди, — деди Урганч шаҳридаги 18-мактаб директори, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати Марям Алимова. — Бу йилнинг ҳам ўзига хос жиҳатлари кўп. Шу маънода, ижтимоий ислоҳотларнинг изчиллик билан амалга оширилиши диққат марказида бўлиши лозим. Бугунги йиғилишда ўтган йилдаги фаолиятимизга танқидий баҳо бердик. Бундан тўғри хулоса чиқаришимиз керак. Электоратимиз манфаатларини қатъият билан ҳимоя қилиш вазифамиздир.

— Депутатларимиз орасида ваколатини сидқидилдан бажараётгани кўп, — деди халқ депутатлари Хонқа туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Ўктам Собиров. — Аммо ҳалиям депутатликни бир мартаба деб юрганлар йўқ эмас. Ҳар бир депутат партиямиз илгари сураётган вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашиши шарт. Чунки сиёсий партия ўз Дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига номзодлар кўрсатади. Уларнинг сайланиши учун курашади. Афсуски, айримлар сайловдан сўнг буни ёддан чиқаришади.

— Жорий йилда партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари олдида ўта масъулиятли вазифалар турибди, — деди Боғот туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Икром Юсупов. — Уларни бажариш учун кучимиз ҳам, имкониятимиз ҳам, салоҳиятимиз ҳам, тажрибамиз ҳам етарли. Аммо очиқ тан олиш кераккки, бироз лоқайдлигимиз, бепарволигимиз ислоҳотларни ҳаётга изчил татбиқ этишда иштирокимизни чеклаб қўяди. Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи ҳаётимизда учраб турган айрим муаммоларни кўтариб чиқиб, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан аниқ таклифларни илгари сураяпти, сессия муҳокамасига масалалар киритмоқда. Бироқ туман, шаҳарлар даражасида бундай фаолликка эриша олмаяпмиз. Дастурий вазифаларимизни муваффақиятли бажариш учун барча имкониятларни ишга солишимиз шарт. Электоратимиз ва сайловчиларимиз биздан шуни талаб қилади.

Йиғилишда, шунингдек, бошқа иштирокчиларнинг ҳам фикр-мулоҳазалари, таклиф-истаклари тингланди. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» вилоят дастурига партия ташкилотлари ва депутатлар таклифларини умумлаштирувчи ишчи гуруҳи ташкил этилди.

**Асли КАМОЛ**

(Давоми. Боши 1-бетда)

# АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилининг дастлабки ойида Андижон вилояти Хўжаобод туманида янги маиший хизмат кўрсатиш маркази иш бошлади.

Марказда аёллар гўзаллик салони, келинлар либослари, тикувчилик цехи, электрон уй-рўзғор буюмларини таъмирлаш устахонаси, суратхона, сартарошхона каби маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, озиқ-овқат ҳамда савдо дўконлари аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда.

**Суратларда:** *тикувчилик цехининг илғор ишчиси Дилором Бектемирова; марказ кўринишидан лавҳа.*





Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар

O'ZBEKISTON



✓ Бугунги кун мавзуси

# ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ

## СЕВИНЧ, УМИД ВА РЕЖАЛАР



Қишлоқ тараққиёти йўлида олиб борилаётган амалий ишлар бу йил янада авж олиб, юксак босқичга кўтарилиши муқаррар. Табиийки, яқин кунлар ичида қишлоқларни ҳар томонлама тўкис ва обод қилиш, мавжуд ижтимоий муаммоларни ечишга қаратилган махсус давлат дастури ишлаб чиқилади. Қишлоқ аҳли турмуш тарзини замонавий талаблар даражасига етказиш ва қишлоқ одамлари манфаатларини тўла таъминлаш юзасидан ҳуқуқий асослар такомиллаштирилади.

Жорий йилда қишлоқ аҳли ҳаёти, маданияти ва ижтимоий таъминоти янги поғонага кўтарилиши учун жойларда инфратузилма тармоқлари кенгайиши аниқ. Айниқса, уй-жой қурилиши авж олиб, табиий газ, тоза ичимлик суви, электр энергияси таъминоти, йўллар ҳолати яхшиланади, транспорт ва коммуникация хизматларида сифат ўзгаришлари рўй беради.

Қишлоққа саноатнинг кириб бориши янада кучаяди. Янги техника ва технологиялар билан жиҳозланган, маҳсулотларни қайта ишлайдиган ихчам ва замонбоп корхоналар ташкил топиши тезлашиб, аҳолини, хусусан, ёшларни муқим иш жойи билан таъминлаш имкони кенгаяди. Пировардида, улар даромадига даромад қўшилиб, турмушимиз янада фаровон бўлади.

Қишлоқ билан боғлиқ муаммолар ҳар бир мамлакатда бор, албатта. Айрим давлатларда қишлоқ аҳолиси шаҳарга талпинаётгани, қишлоқлар ҳувиллаб қолаётгани сир эмас. Давлатимиз раҳбарининг қишлоқ тараққиётига алоҳида эътибори мана шундай муаммоларни бартараф этибгина қолмай, янги, XXI асрнинг замонавий қишлоқлари юзага келишига, улар давр билан елкама-елка одимлашига хизмат қилади.

Яна бир муҳим жиҳати, экин майдонлари ҳолатининг яхшиланишига эътибор ҳар қачонгидан ортади, ерларнинг мелиоратив ҳолати босқичма-босқич яхшиланиб, унумдор бўлиб боради.

Бундай дейишимизга ҳамма асослар бор. Мустақиллик йилларида қишлоқ ҳаётида рўй берган янгиланиш ва ўзгаришларни бир кўз ўнгимизга келтирайлик. Қишлоқ туманларида қўшма корхоналар барпо этиш, қишлоққа саноатни олиб кириш, қишлоқларда лицей ва коллежлар қуриш борасидаги ишлар, ўзгаришлар бу йил ҳеч шубҳасиз янги босқичга кўтарилади. Бир сўз билан айтганда, қишлоқларимиз тараққий топиб, юртимиз обод, турмушимиз янада фаровон бўлади. Бу эзгу ҳаракат шу мақсадга хизмат қилади.

«Қишлоқларимиз қанчалик тез ривожланса, деҳқончиликдан олинадиган ҳосил шунчалик баракали бўлади, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли туманидаги «Найман» муқобил машина-трактор парки раиси Анвар Хўжабоев. — Мўл ҳосил дегани — даромад кўп дегани. Даромад кўп бўлса, турмуш ҳам фаровон. Ана шу даромадимиз ва имконимиз борлигидан хўжалигимиз қишлоқларида 6 та мактаб, замонавий касб-ҳунар коллежи ва мактабгача ёшдаги болалар муассасалари барпо этилди. Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишнинг барча тизимларидан унумли фойдаланаяпмиз. 5 та озиқ-овқат дўкони, 2 та новвойхона, пойабзал устахонаси, уй-рўзғор буюмлари ва енгил автомашиналарни таъмирлаш маркази, кийим-кечак тикиш-бичиш цехи кишиларимиз хизматида. АТСимиз шаҳар телекомига уланган. Барча хонадонлар газлаштирилган, тоза ичимлик суви билан таъминлаш охирига етмоқда.

Шунингдек, 45 ўринли икки қаватли касалхона (туғуруқхонаси билан) ва 2 та шифокорлик пунктида намунали тиббий хизмат йўлга қўйилган. Яна бир қишлоқ шифокорлик пункти баҳорда ишга тушади.

Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш орзусида умумий ер майдонимизни 3200 гектарга етказишни кўзлаб турибмиз. Уларнинг унумдорлигини ошириш учун мелиоратив тадбирлар изчил олиб борилмоқда. Сабзавот, полиз , мева ва узум маҳсулотлари ҳар йилгидан кўпаяди.

Ҳаётимиз тўкинлиги она заминга, қишлоқларимиздаги замонавий шарт-шароитларга, энг аввало пешона терига, меҳр-муҳаббатга боғлиқ...»

Бундай сўзларни, умид ва ишончни бошқа кўплаб ҳамюртларимиздан ҳам эшитаяпмиз. Одамлар севинч, умид ва янги режалар билан яшамоқда.

Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, «Ватанимиз тараққиётида тутган ўрни ва аҳамияти беқиёс бўлган қишлоқ аҳлининг ҳаётини замонавий мезонларга жавоб берадиган даражага кўтариш ва умуман, қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожига ривож қўшиш, унинг самарадорлигини ошириш бугунги кунда энг долзарб, ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган муҳим бир вазифага айланмоқда».

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ**

## 2009 ЙИЛ — АСТРОНОМИЯ ЙИЛИ

*БМТ Бош Ассамблеяси қарори билан 2009 йил — Халқаро астрономия йили деб эълон қилинди. Халқаро астрономия уюшмаси ва ЮНЕСКО ташаббуси билан ўтказилаётган коинотшунослик йили телескоп кашф этилишининг 400 йиллик санасига тўғри келди. РИА Новости хабарига кўра, Халқаро астрономия йилининг очилиш тантаналари 15-16 январь кунлари Парижда ўтказилади. Тадбирда йирик обсерваторияларда фаолият юритаётган соҳанинг етакчи мутахассислари иштирок этади.*

*Астрономия йили жаҳоннинг қатор мамлакатларида кенг миқёсда нишонланиши режалаштирилган. «Ердан Коинот томон» лойиҳаси бўйича дунёнинг 30 давлатида қизиқувчилар кўчада ўрнатилган телескоп орқали қуёшни кузатиши, коинот фотосуратлари кўргазмасини томоша қилиши мумкин. «Коинот кундалиги» лойиҳаси эса астрономия ихлосмандларига соҳа вакилларининг фаолияти, ундаги муаммолар билан интернет орқали танишиш имконини беради. Шунингдек, омма учун арзон ва қулай телескоп яратиш кўзда тутилган.*

*Эслатиб ўтамиз, шу йил 22 июль куни асримизнинг энг узун қуёш тутилиши юз беради. Уни Ҳиндистон, Бангладеш ва Хитойда кузатиш мумкин. Қуёш тутилиши 6 дақиқа 39 сония давом этиши кутилмоқда. Ноябрь ойининг ўртасида эса ер аҳолиси ажойиб метеор ёмғирининг гувоҳи бўлади. Леонидлар — учаётган юлдузлар сони соатига 500 тадан ортиши тахмин қилинмоқда.*




## АНГЕЛА МЕРКЕЛНИНГ ТАКЛИФИ



*Германия канцлери Ангела Меркел БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши қошида иқтисод бўйича халқаро Кенгаш тузишни таклиф қилди, деб хабар беради ИТАР-ТАСС. Меркел Парижда ўтказилаётган «Янги дунё, янги капитализм» мавзуида талабаларнинг билимини ошириш учун ташкил қилинган коллоквиум (суҳбат)да шу фикрни илгари сурди. Тадбир замонавий капитализмни тартибга солиш йўлларини топишни мақсад қилган. Канцлернинг айтишича, мазкур кенгаш тезкор чора-тадбирлар кўриши, йўриқнома тузишга йиллаб вақт сарфламаслиги, қисқа муддатли иқтисодий тартиблар Хартиясини ишлаб чиқиши лозим. Меркелнинг таъкидлашича, ҳатто АҚШ каби етакчи давлат ҳам юзага келган тангликни бир ўзи бартараф этишга қодир эмас.*

## РЕЗОЛЮЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

*БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши пайшанба куни бўлиб ўтган мажлисида Ғазо минтақасида ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш ҳақида резолюция қабул қилди, деб хабар беради Associated Press. 14 та овоз билан маъқулланган ҳужжатга АҚШ бетараф муносабатда бўлди. Резолюциянинг асосий моддаларида зудлик билан зўравонликни тўхтатиш, Исроил ҳарбийларини минтақадан олиб чиқиш, Ғазо минтақасидаги назорат пунктларини очиш ва соғлом музокара бошлаш талаб этилган. Резолюция Москвада Яқин Шарқдаги вазиятни барқарорлаштиришга бағишланган конференция ўтказишни ҳам кўзда тутади.*

*Эслатиб ўтамиз, Исроил минтақага бостириб кирган 2008 йил 27 декабрдан буён 257 нафар фаластинлик болалар уруш қурбони бўлди, 1080 нафари эса жароҳат олди.*



**Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрининг кўриниши**

## НОҚУЛАЙ ОБ-ҲАВО

*Италияда ҳавонинг кескин совиб кетиши маҳаллий аҳолига кўплаб ноқулайликлар туғдирмоқда. Мамлакат миллий метеорология хизмати ходимларининг маълум қилишича, ҳаво минус ўттиз даражагача совиган.*

*Хабарларга қараганда, тинимсиз ёғин-сочин туфайли йўллар бутунлай ёпилиб қолган. Ер музлагани сабабли автомобиль ҳалокати кўпаймоқда. Шунингдек, бир неча кундан бери кузатилаётган кучли бўрон оқибатида минглаб одамлар электр энергиясидан маҳрум бўлган. Халқаро аэропортларда кўплаб рейслар бекор қилинган. Мактабларда дарслар тўхтаб, айрим муассасалар ёпилган.*

*Синоптикларнинг сўзларига кўра, Италиянинг Турин, Болонья, Перуж ва Ареццо шаҳарларида янада кучли бўрон туриши кутилмоқда.*







*Грузияда бир неча кундан бери кучли бўрон кузатилмоқда. Оммавий ахборот воситалари тарқатган маълумотларга кўра, жойларда тўпланиб қолган қор уюмларининг баландлиги икки метрга етган.*

*Хабарларга қараганда, изғирин оқибатида электр тармоқларига шикаст етиб, минглаб одамлар ёруғлик ва иситиш таъминотидан маҳрум бўлган. Баъзи ҳудудларда алоқа симлари ишдан чиққан, аэропортларда қатновлар бекор қилинган, транспорт ҳаракати тўхтаган.*

## У КИМНИ ЁҚТИРМАСА...



*Нью-Йорк штати полицияси 60 ёшли ғилдирак тешувчини ҳибсга олди. Lenta.ru хабарига кўра, у кимни ёқтирмаган бўлса, албатта машинаси ғилдирагини тешган. Бунда у томга қоқишда ишлатиладиган михдан фойдаланган. Маҳаллий полициянинг маълум қилишича, биргина 2006 йилда жиноятчининг қилмиши туфайли 40 нафар ҳайдовчи зиён кўрган. Жиноят устида қўлга олинган Майкл Делизионинг ёнидан қора рангга бўялган михлар топилган.*

Реклама

**Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!**

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ»**
инжиниринг компанияси

2009 йилда қуйидаги иншоот қурилиши учун пудратчи ташкилотни танлаш бўйича очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

**Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳрининг оқава сув қувурлари ва тозалаш иншоотларини реконструкция қилиш (қўшимча ишлар).**

Иншоотнинг бошланғич нархи — **305,1 млн. сўм,** қурилиш муддати — **60 кун.**

**Буюртмачи:** Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Манзили:** Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.

**Тел/факс:** (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздаврхитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

**Термиз шаҳар, Амир Темур кўчаси, 69-уй. *Тел/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.***

***Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.***

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: ***Термиз шаҳар, Амир Темур кўчаси, 69-уй***да ўтказилади.

**Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!**

**«АНГОР ПАХТА ТОЗАЛАШ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

***қуйидаги иншоотни реконструкция қилиш бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан***

ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Сурхондарё вилояти «Ангор» пахта тозалаш заводини реконструкция қилиш (ҚМИга).**

Иншоотнинг қурилиш муддати — 4 ой.

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — ўз маблағи ҳамда банк кредитлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачи:** ***«Ангор пахта тозалаш» очиқ акциядорлик жамияти.***

**Манзили:** *Ангор тумани, Наврўз маҳалласи, Алишер Навоий кўчаси.*

**Тел: (8-376) 223-66-34.**

**«ХАЙРОБОД ПАХТА ТОЗАЛАШ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

***қуйидаги иншоотни модернизация қилиш бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан***

*ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:*

**Сурхондарё вилояти «Хайробод пахта тозалаш» заводини модернизация қилиш (ҚМИга).**

Иншоотнинг қурилиш муддати — 4 ой.

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — ўз маблағи ҳамда банк кредитлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачи:** ***«Хайробод пахта тозалаш» очиқ акциядорлик жамияти.***

**Манзили:** *Денов тумани, Хайробод қўрғони.*

**Тел: (8-376) 41-22-840.**

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

**Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси** — «Ўздаврхитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

**Термиз шаҳар, Амир Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.**

***Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.***

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Офферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

**Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй.**

**❖ Миллат ва маънавият**

# ВАТАН — ЭЗГУЛИКНИНГ ОЛТИН БЕШИГИ

Шижоат — ҳаёт зийнати, дейдилар. Абдураҳим Эркаевнинг умр йўли, эзгу ишларига назар ташлаб, бунга иқрор бўласан киши. У анча йиллардан бери Қарши давлат университетида талабаларга сабоқ бериб келаяпти. Иқтидорли олимнинг «Миллий ғоя моҳияти», «Маънавият — миллат нишони», «Миллий ғоя ва маънавият», «Маънавият ва тараққиёт модели», «Тафаккур эркинлиги» каби китоблари чоп этилган. Олимнинг ижодий, илмий изланишлари асосан миллий ғоя ва маънавият масалаларига бағишланган.



Барваста қаддини сал эгиб, хаёлга чўмиб юрадиган бу олим билан суҳбатлашишни анчадан буён ният қилиб юрардим. Яқинда маънавият мавзуида ўтказилган бир йиғинда унинг фикрини одамлар қизиқиш билан баҳс этганига гувоҳ бўлдим. «Ҳақиқий олим-да», — деди ёнимда ўтирган киши. Бу баҳода ҳеч қандай муболаға йўқ. Йиғиндан кейин суҳбатлашиш имконияти туғилганидан фойдаланиб, гапни маданий меросимизга дахлдор мавзудан бошладим.

***— Сизга Китоб шаҳрида яшаб ўтган тўқсон ёшли Абдуғафур Шукур ўғли ҳақида гапирмоқчи эдим. У киши қатағон йилларида қадимий ноёб китобларни қабрга кўмиб, сақлаб қолган экан. Қуръони Каримни дилига жо этган, қалби нафосатга тўла зот бўлган. У кишидан «Кулса гул, йиғласа дур» эртаклар китоби, эзгу ишлар ва солиҳ шогирдлар қолди. Ана шу киши ҳам сўзга суяниб, юпанч топиб яшаган.***

— У киши тақиқлардан чўчимай, азоб-уқубатларга бардош бериб, ноёб китобларни асраб-авайлаб шогирдларига етказиб келган, ажойиб эртаклар китоби яратган. Юртбошимиз ўзларининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида жаҳон ва юртимиз тарихида ибратли ишлар, ўлмас кашфиётлар қилган, асарлар қолдирган зотлар ҳақида фикр юритиб, энг буюк жасорат — маънавий жасорат, дейдики, бу бежиз эмас.

Инсон қалбига йўл топишда сўз санъати, бадиий адабиётнинг ўрни тенгсиз. Бу халқ оғзаки ижодига ҳам тааллуқли. Абдиғафур бобонинг эртаклар китобида қувонч — кулганда тўкиладиган гул, қайғу — йиғлаганда сочиладиган дур тимсолида ифода этилган. Шу ўринда сўз ва тил ҳақидаги айрим мулоҳазаларимни айтмоқчиман. Немис мутафаккири Вилгельм Гумбольд агар немис халқи йўқолиб кетса, халқ руҳи, тарихи, қадриятлари ўша тилда яратилган асарларида яшайди, деган экан. Ана шу тилда 200 дан ортиқ шева бўлиб, адабий немис тили асосий воситаси ҳисобланади. Абдулла Авлоний ҳам миллий тилдан айрилиш — миллат руҳини йўқотиш билан баробар, деб таъкидлаган.

Демак, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккур ифодаси бўлган тилимизни авайлаб-асрашимиз, эркин ривожланиши, бойиб боришига имкон яратишимиз керак. Тараққиёт туфайли банк-молия, алоқа-коммуникация, саноат соҳасида янги сўз ва атамалар билан тилимиз бойиб бормоқда. Бу ижобий ҳодиса. Иккинчи томондан, ўзбек адабий тили бир ёнда қолиб, турли шеваларни атай қўллаш ҳодисалари кузатилаяпти. Менимча, ҳар икки ёндашувда ҳам меъёрни унутмаслик. Чунки маънавиятимиз сарчашмаси бўлган она тилимиз тенгсиз хазинамиздир.

***— Ғам ва қувонч ҳақида гапирдингиз. Улар инсонга таъсир қилувчи туйғулар. Худди жасорат ва қўрқув сингари...***

— Озодликка эришган кунимиз қўрқув салтанатининг илдизига болта урилди. Ўтган йиллардаги буюк ўзгаришлар, бунёдкорлик, тараққиётнинг «ўзбек модели» сифатида дунёга танилган бекиёс ислоҳотлар бизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигимизни кўрсатиб турибди. Юртбошимиз айтганидек, миллий мустақиллигимиз XX асрда халқимиз томонидан амалга оширилган буюк маънавий жасоратдир. Бу жасорат, энг аввало, узоқ йиллар давомида руҳий таҳдид солиб келган қўрқув салтанатини парчалаб ташлади. Халқимиз жаҳон тамаддунида ўз ўрни, ўз сўзи, ўз тараққиётига эга бўлди.

Миллий қадриятларимиз, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби миллат ифтихори бўлган улуғ зотларнинг хизматлари муносиб қадрини топмоқда. Мўътабар қадамжолар обод бўлмоқда. Таълим соҳасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Халқимиз ҳаётига асрлар давомида эзгулик, ҳалоллик, поклик бўлиб сингган, охиратни ўйлаб яшашга ўргатадиган муқаддас динимиз эъзозланмоқда.

***— Майдонда хориждан келтирилган арча кўчатлари устига оқ ёпқич қўйилган, фақат қуёш нури тегсин учун бир томони очиқ. Ўзимизда ўсадиган дарахтларнинг табиий-биологик иммунитети бу эҳтиёт чорасини талаб қилмайди. Ана шу табиий ҳодисадан келиб чиқиб, фикрингизни айтсангиз.***

— Тупроғимизда хориждан олиб келинган япон сакураси, зайтун дарахти ва бошқа турфа ниҳоллар қулф уриб ўсаяпти. Қарши шаҳрида ёзда ҳарорат жуда баланд, шунинг учун четдан келтирилган арчаларни ўрашган. Табиий иқлимга мослашиб кетгач, эҳтиёт қилишга ҳожат қолмайди. Сиз бошқа халқлар тилида яратилган айрим асарлар, мутафаккирларнинг фикрлари бизга сингади, айримлари ёт эмасми демоқчисиз, шекилли.

Маданий алоқалар ҳамиша бўлган. Маданият тушунчасининг ўзи кишилик жамияти қарор топган кундан бошланган. Масалан, қадим юнон, араб, рус мутафаккирларининг яхши асарларини ўрганишдан зарар кўрдикми? Асло! Доим умумбашарий эзгу фикрлар билан маънавиятимизни бойитишимиз керак. Тараққиётни ортга қайтариб бўлмайди. Лекин бир масала бор: инсон руҳий оламига салбий таъсир кўрсатувчи, ахлоққа зид, бузғунчилик тарғиб этилган асар ва фильмлар ҳам йўқ эмас. Бундай адабиётлар таъсири тўқсонинчи йилларда яққол сезилган. Маънавий-руҳий экспанциядан иймон-эътиқод ва илм-маърифат билан халос бўлиш мумкин. Албатта, бунинг учун миллий меросни, маънавий илдизларни чуқур билиш даркор.

Миллий тикланиш миллатчилик дегани эмас. Масалан, азалий «Наврўз» байрами юртимизда истиқомат қилаётган барча миллатлар учун бирдек қадрли. «Шарқ тароналари» фестивали туфайли жаҳон халқларининг куй-қўшиқларини тинглаяпмиз. Маданиятлар алоқаси ҳамиша маънавиятни бойитишга хизмат қилган.

Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, глобал ўзгаришлар, кескин мафкуравий курашлар кечаётган мураккаб замонда яшаяпмиз. Бир неча тилни биладиган, интернет, телевидение, электрон кутубхоналар хизматидан фойдаланаётган ёшларимиз дунё воқеаларидан огоҳ. Шу билан бирга, табиатимизга ёт қарашлар таъсирига тушаётган ёшлар борлиги ҳам рост. Нимага десангиз, бундайлар ҳаётга юзаки қарайди. Бунга сабаб эса, маънавий қашшоқликдир. **Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя кураши** давом этаётган экан, мафкуравий иммунитетни тарбиялаш талаб қилинади. Япон донишманди «Муҳаббат — энг қудратли иммунитет», деган экан. Ҳақ гап. Она-Ватани, она-халқини астойдил севган ёшларни ҳеч қандай куч йўлдан оздира олмайди. Ватан эзгуликнинг олтин бешигидир.

**Суҳбатдош: Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

**❖ Маданий мерос**



# ТАНБУР СЕҲРИ

***Миллий мусиқамиз улкан намояндаси Турғун Алиматов ҳақида хотира***

Бундан кўп йиллар олдин қиш кечаларининг бирида яқин дўстимникида беш-олти киши меҳмон бўлдик. Оғайнилар билан йиғилиб, суҳбат қуришнинг ўзига хос гашти борда. Одатда, бунақа davраларда бирорта сўзамол гапни илиб, ҳеч кимга сўз бермайди. Шундай қилиб суҳбат чўзилгандан-чўзилди.

Шу пайт уй эгаси тўладан келган кишини бошлаб кирди. У салом бериб, «кўрганимиз-кўришганимиз», деб камсуқумлик билан чеккага чўккалади. Ҳамманинг эътибори кутилмаган меҳмонда эди. Суҳбат ҳам таққа тўхтади. Пойгакда ўтирганлардан бири катта лагандаги норинни меҳмон олдига суриб, «олиб ўтиринг», деди-да, кулимсираб, пиёладаги чойни унга узатди.

Бу орада уй эгаси кириб, кутилмаган меҳмонга: «Қани, энди эшитайлик», — деди. У эса ўрнидан туриб, даҳлиз томон йўл олди. Сал ўтиб, қўлида қизил духоба ғилофга солинган танбур кўтариб кирди. Кейин уни созлаб, пиёладаги чойдан симирди. Чанқоғи босилгач, завқ билан танбур черта бошлади.

Унинг қўллари танбур пардаларида шундай усталик билан ҳаракатланардики, бундан завқланмай иложинг йўқ эди. Майин наво дилларни сел қилиб юборди. Ажабо, танбур ноласини ўша пайтга қадар кўп ва хўп эшитгандим, лекин бундай ҳузурбахш куйни тингламаган эдим. У соз чертганида ўзи ҳам сувдек эриб кетаётганга ўхшарди. Гўё унинг сози эмас, юраги куйларди.

Танбур куйи хаёлни аллақаерларга бошлаб кетди, юрак ёқимли гупиллай бошлади. Ниманарнидир эсладим, ажиб майин туйғу мени чулғаб олганди. Ўтирганларнинг юзига қарадим, ҳамма хаёлга чўмган. Кимга разм солманг, қандайдир маъно уқасиз. Санъаткор ўтирганларнинг қалбига йўл топиб, меҳр-муҳаббат уруғларини сочаётган, кўнгилларни яхшиликка, эзгуликка ундаётган эди.

Бояги гапдонлар бўлса, бирдан маъюс тортиб қолганди. Танбурчининг юз ифодасидаги ўткир жўшқинлик мени ҳайратга солди. Жуссаси шу қадар катта одам нозик ҳиссиёт ва бетакрор туйғулар соҳиби бўлса-я! У кўзимга жуда ҳам истарали кўриниб кетди. Санъатнинг сеҳри, танбур куйининг оҳанрабоси нелигини ўшанда илк бор теран англагандек бўлдим.

**Мақсуд ҚОРИЕВ**

## ШИФО МАСКАНИ

Навоий вилоятининг Учқудуқ туманида кейинги йилларда кенг қамровли қурилиш ва ободончилик ишлари амалга оширилмоқда. 2008 йил туманда кўплаб таълим ва шифо масканлари, турар-жой бинолари ва бошқа иншоотлар фойдаланишга топширилди.

Яқинда ишга туширилган кўп тармоқли поликлиника шулар жумласидандир. Икки қаватли ушбу шифо маскани жарроҳлик, терапия, гинекология, лаборатория-ташхис ва бошқа бўлимларни ўз ичига олган.

— Тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада оширишга ҳаракат қилмоқдамиз, — дейди туман поликлиникаси бош шифокори Лутфия Ғаффорова. — Шу боис шифохонамизни ҳозирги замон талабларига мос тиббий ускуналар билан жиҳозладик. Яна 150 минг АҚШ доллари миқдоридаги тиббий жиҳозлар келтириш мўлжалланмоқда.

**Ёрқул УМАР, ЎзА мухбири.**

**❖ Футбол**

# «БУНЁДКОР» ВА «ПАХТАКОР»

## янги мавсумга тайёргарликни бошлади: «Барселона» — «Бунёдкор» — 1:1

AFC CHAMPIONS LEAGUE

*Бирлашган Араб Амирликлари (БАА)да Осиё чемпионлар лигасига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Бу мусобақада 8 гуруҳдан жой оладиган 4 тадан жамоа икки даврали ўйинларда нимчорак финалга бериладиган йўлланмалар учун кураш олиб боришади.*

Қуръа натижаларига кўра, мамлакатимизнинг ўтган йилги чемпиони «Бунёдкор» жамоаси «Ал-Шабаб» (БАА), «Сепахон» (Эрон) ва «Ал-Иттифоқ» (Саудия Арабистони) клублари билан «Д» гуруҳидан, пойтахтимизнинг «Пахтакор» жамоаси эса «Ал-Ҳилол» (Саудия Арабистони), «Ал-Аҳли» (БАА) ва «Саба Баттери» (Эрон) клублари билан «А» гуруҳидан жой олди. 11 март куни ўтказиладиган 1-тур ўйинларида «Бунёдкор» ўз майдонида «Ал-Иттифоқ» клубини қабул қилса, «Пахтакор» сафарда «Ал-Ҳилол» футболчиларига қарши тўп суради. Гуруҳ ўйинлари 19 май куни ниҳоясига етади. Жамоалар навбатдаги босқичга чиқишлари учун ўз гуруҳларида 1-2-ўринлардан бирини эгаллашлари керак.

Мавсумга тайёргарлик кўраётган «Пахтакор» жамоаси ҳозирги кунда БААда ўқув-машғулот йиғини ўтказаяпти. Пахтакорчилар учта назорат учрашувида иштирок этади. «Бунёдкор» жамоаси эса, Барселонада ўқув-машғулотларида қатнашаяпти. Йиғин давомида бунёдкорчилар таниқли «Барселона» футбол клуби билан ўртоқлик учрашуви ўтказди.

## ЗИКО КЕТАДИМИ?

Дунё оммавий ахборот воситалари «Бунёдкор»нинг бразилиялик мураббийи Зико Москванинг ЦСКА жамоасига ўтиши тўғрисида хилма-хил хабар тарқатишаяпти. Lancenet агентлиги маълумотларига кўра, Зико «Бунёдкор» клубига ўзаро шартномани бекор қилиши учун зарурий барча ҳужжатларни жўнатган. Шунингдек, Зико ЦСКА билан шартнома имзолаш учун бир қатор жиҳатларни келишиб олган. Унга ЦСКАда ёрдамчилик қиладиган Галиньо ва Эду ҳам Россияга келиш учун зарурий ҳужжатлар тайёрлашмоқда.

Ҳақиқат ва ёлғон орасидаги масофа тўрт энлик, дейди халқимиз. Яъни, кўз билан кўрганингга ишон, эшитганинг тўғрисида фикр-мулоҳаза юрит. Ҳали футбол мавсуми бошланмади, демак масалага ойдинлик киритиши учун етарли вақт бор.

## РОНАЛДУ АВТОҲАЛОКАТГА УЧРАДИ



8 январь куни Манчестер шаҳри аэропорти атрофида Португалия терма жамоаси ва «Манчестер Юнайтед» футбол клубининг ҳужумкор ярим ҳимоячиси Криштиану Роналду ўзи бошқараётган «Ферари» машинаси билан автоҳалокатга учради. Полиция бу автоҳалокат сабабларини ўрганишга киришди. Муҳими, футболчи жиддий жароҳатланмади.

## ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Мамлакатимизда шахс ва оиланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, бунда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ишларда Юртбошимизнинг 1997 йил 25 июнда қабул қилинган ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини такомиллаштиришга оид фармони муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида «Ҳуқуқий мавзудаги энг яхши мақола» республика кўрик-танлови якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда шу ҳақда сўз борди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Г.Иномжонова, Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси етакчи маслаҳатчиси Қ.Чориев, «Моҳият» газетаси жамоатчи мухбири А.Азимов, Самарқанд вилояти адлия бошқармаси етакчи маслаҳатчиси Н.Мирмуҳамедова совринли ўринларни эгаллади.

**Н.АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири**

## ҚУШЛАР БИЗНИНГ ДЎСТИМИЗ

*«Ёшлик» талабалар шаҳарчасининг «Маънавият ва маърифат» марказида «Табиатни асрайлик, ёшлар: қушларга ғамхўрлик қиламиз!» деб номланган тадбир бўлиб ўтди.*

Тадбир «Сардорлар мактаби» томонидан болаларда экологик маданиятни шакллантириш, табиатни муҳофаза қилиш ва асраб-авайлаш мақсадида ўтказилди. Ушбу лойиҳада мактаб тингловчиларининг ўз қўллари билан ясаган 500 дона қуш инлари Тошкент шаҳридаги дарахтларга ўрнатилди.

«Сардорлар мактаби» «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши қошида очилган бўлиб, ҳозирги кунда мактабнинг фаол аъзолари ёшларда ташкилотчилик, етакчилик ва сардорлик сифатларини шакллантириш йўлида етук фан арбоблари, илмий ходимлар, сиёсатчилар, маънавият-маърифат ходимлари ва партия етакчилари билан жонли мулоқотлар, ҳамкорликда ўқув-семинар, давра суҳбати ва учрашувлар ташкил қилиб келмоқда.

**Элёр ЎРОЛОВ, «Туркистон-пресс»**

**Ишонасизми?!**

## ЎРИК ГУЛЛАДИ...



Янги йилнинг эртаси куниёқ жарқўрғонлик суратчи Ғофур Магометов қўнғироқ қилиб қолди: «Жарқўрғонда ўрик гуллабди!» Бу хабарни эшитиб, рости, аввалига хурсанд бўлдим, сўнгра ўйланиб қолдим.

— Сурхондарёнинг иқлими ўзига хослиги билан ажралиб туради, — дейди биология фанлари номзоди Қайнар Файзиев. — Янги йилнинг илк кунлари воҳа шимолида қор тушган бўлса, жанубий ҳудудларда ҳаво иссиқ келди. Йил бошида ўрикнинг гуллаши эса камдан-кам учрайдиган ҳолатдир. 1973 йилнинг февраль ойи ўрталарида бодом гуллагани қайд этилган. Орадан 36 йил ўтгач, ўрик гуллаганига гувоҳ бўлдик. Шуниси эътиборлики, ҳар иккиси ҳам сигир йили мучалига тўғри келган. Бу ҳам ўзига хос ўхшашлик бўлса керак.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

«TASHAVTOTUR» МЧЖга қарашли «Даймлер-Бенц» русумли, давлат рақами 30 Т 9160 бўлган автобусга йўловчиларни шаҳарлараро йўналишлар бўйича автобусларда ташиш фаолияти учун берилган АТ 0491032 рақамли лицензия варақаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Каттақўрғон туман тиббиёт бирлашмаси маъмурияти, бемор чақалоқлар бўлими катта ҳамшираси Турсунтош Ёдгоровага онаси

ТЎХТАТОШ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Asror MO`MINOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 50
16380 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 23.00
7
Sotuvda erkin narxda